O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2003 йил 16 январь, №14 (3126) Пайшанба

## МДҲ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТОШКЕНТДА

Мамлакатимизга ташриф буюрган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси Юрий Яров бошчилигидаги делегация аъзолари 15 январь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов билан учрашди. Суҳбат чоғида МДҲ мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, истиқболда амалга оширилиши режалаштирилган тадбирлар хусусида фикр алмашилди.

Шу куни делегация вакиллари Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида ҳам бўлди. Мамлакатимиз ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Абдулазиз Комилов билан бўлган суҳбат чоғида МДҲ мамлакатларининг иқтисодиёт, савдо-сотиқ, маданият, таълим соҳаларидаги ҳамкорлигини ривожлантириш, икки ва кўп томонлама алоқалар кўламини янада кенгайтиришга қаратилган масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, томонлар МДҲ доирасида уюшган жиноятчилик, наркотиклар контрабандаси, халқаро террорчилик, диний экстремизм ва бошқа иллатларга қарши ҳамкорликдаги курашни янада жадаллаштириш борасидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

(ЎзА).

## Шарқ тароналари шуҳрати

*Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ҳар икки йилда бир марта ўтказилаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали жаҳон мусиқа оламида яхши анъанага айланиб қолди. Бу йил истиқлол байрами арафасида ушбу мусиқа фестивали Самарқанд шаҳрида тўртинчи бор ўтказилади. Фестиваль бош режиссёри, Ўзбекистон санъат арбоби Баҳодир ЙЎЛДОШЕВ ЎзА мухбирига бу галги фестивалга кўрилаётган тайёргарлик ишлари ва унинг аҳамияти хусусида қуйидагиларни сўзлаб берди:*

— Юртбошимиз ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу фестивалнинг жаҳонда тобора кенг эътироф этилиб борилаётгани ғоят қувонарлидир. "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа байрамини ўтказишдан мақсад Шарқ мамлакатлари халқлари миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъатининг ноёб намуналарини кенг тарғиб этиш, асраб-авайлаш ва ривожлантиришдан иборат.

Мусиқа байрами ёш авлод қалбида санъатга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини камол топтиради, гўзалликни, чин инсоний қадриятларни тараннум этади. Халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик риштaларини янада мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини кенгайтиришда ҳам унинг ўзига хос аҳамияти бор, албатта.

Тадбирнинг жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири — Самарқанд заминида ўтказиб келинаётгани бежиз эмас. Зеро, бу муқаддас тупроқ Имом Бухорий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби кўплаб буюк инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ. Не-не буюк давлат арбоблари, санъаткорлар ва алломалар бу шаҳри азимни зиёрат этган. Боз устига, Самарқандни азалдан турли халқлар вакиллари ва маданиятлари учрашган манзил, десак муболаға бўлмайди.

Шарқ мусиқаси — Шарқ фалсафаси, умуман, дунё маданий-маърифий тараққиётининг узвий бир қисмидир. Унинг жаҳон маданий меросида тутган ўрни бениҳоя буюкдир. Зеро, мусиқа одамлар дилини поклаб, уларни руҳан юксалтириб келмоқда. Дунё маданиятига маънавий озиқ бериб, умумбашарий қадриятларга муносиб ҳисса қўшаётир. Жаҳон жамоатчилиги қалбидан муносиб жой олган ушбу халқаро анжуман янги ташаббусларга, яъни дунё миқёсида Шарқ мамлакатлари мусиқасига бағишланган кўплаб фестиваль, анжуманларнинг ташкил этилишига ҳам туртки бўлмоқда. Унинг ЮНЕСКО шафелигида ўтказилаётгани бу фикримизнинг яққол далилидир.

Республика Маданият ишлари вазирлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Ўзтелерадиокомпания, Бастакорлар уюшмаси ва Самарқанд шаҳар ҳокимлиги тадбирнинг асосий муассисларидир. Ҳозирнинг ўзида беш юз нафардан зиёд хорижлик сайёҳ — мусиқа ихлосманди ушбу фестивалда қатнашиш истагини билдирган. Бу нимадан дарак беради? "Шарқ тароналари" халқаро учинчи мусиқа фестивали жаҳоннинг ўн икки мамлакатидан келган оммавий ахборот воситалари вакиллари томонидан куррамизнинг кўплаб давлатларида кенг ёритилган эди. Мазкур тадбир ҳақида жаҳон миқёсида жуда самимий таассуротлар пайдо бўлишининг боиси шунда.

Юртимизнинг барча ижодий жамоалари мусиқа байрами доирасидаги турли тадбирларда муваффақиятли иштирок

(Давоми 2-бетда).



## «Техника сифатли таъмирланган!»

*Учкўприк тумани ҳокимлиги назорат комиссияси аъзолари Ҳамза Ҳакимзода номли ширкат хўжалигининг созланган техника воситаларини қабул қилиб оларкан, шундай хулосага келдилар. Ҳақиқатан ҳам, бу ерда мавжуд машина-механизмларнинг барчаси қўлдан чиқарилиб, экиш-тикиш мавсумига аллақачон шайлаб қўйилган. Энди улар жорий йилда ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта, 60 центнердан ғалла етиштиришга аҳд қилган хўжалик деҳқонларига мададкор бўлади.*

**СУРАТДА: чилангар Рўзибой Ваққосов таъмирдан чиқарилган сеялкаларни яна бир бор кўздан кечираяпти.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## ОБОД МАҲАЛЛА — ОБОД ВАТАН

Навоий вилоятида 360 та маҳалла мавжуд. Уларнинг нечоғлик обод ва кўркам бўлиши, ўзаро аҳиллик ва осойишталик, табиийки, шу жойларда яшаётган каттаю кичикнинг саъйи ҳаракатига боғлиқ. Тўй ҳам, аза ҳам ўзимизники, деган гап бор. Ана шу маросимларни ихчам, ортиқча дабдаба ва сарф-харажатсиз ўтказиш, кам таъминланган, кўп болали оилаларга беғараз ёрдам кўрсатиш, ёшлар тарбиясига жиддий эътибор қаратиш, маҳаллада кичик корхоналар очиб, иш ўринлари яратиш масалалари ҳам доимий эътиборда туриши лозим.

Оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, ҳар бир оилани иқтисодий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда ўзини ўзи бошқариш ташкилотлари янада фаолроқ иштирок этиши лозим. Навоий шаҳрида Обод маҳалла йили муносабати билан бўлиб ўтган "Обод маҳалла — обод Ватан" мавзуидаги йиғилишда иштирок этган жамоат ташкилотлари ва жамғармалар вакиллари ушбу долзарб масалалар хусусида атрофлича фикрлашиб олди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова иштирок этди.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

Маърифат соати

*Атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга, дунёнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий манзарасига назар ташлар эканмиз, аввало, биз уларга бефарқ эмаслигимиздан мамнун бўлишимиз керак. Негаки, бугун ҳис этаётганимиз, қайғураётганимиз воқеа-ҳодисаларнинг ҳар бири маълум маънода бизни бир муҳит, бир борлиқ атрофида бирлаштираётгандай. Зеро, бизни баъзан ўринли хавотирга соладиган нарсалар ҳам бор. Агар холисона фикрласак, Ер куррасининг у ёки бу бурчида содир бўлаётган сиёсий можаролар ҳам ҳал бўлар, у ёки бу давлатнинг иқтисодиётига жиддий зарар келтирган табиий офат оқибатлари ҳам барҳам топар, давлат қурилишидаги айрим келишмовчиликларнинг олди ҳам олинар, деб ўйлайсан, киши. Чунки бугун инсониятни ташвишга солаётган глобал масалалар атрофида кўплаб давлатлар, сиёсатчилар, мутахассислару, давлат арбоблари ўзаро манфаатли қарорларга келишга ўргандилар.*

## ОИЛА ВА СПОРТ

### ёхуд миллий генофондни яхшилаш имкониятлари хусусида

Дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаган Ўзбекистоннинг муаммолари ҳам йўқ эмас. Лекин олдимизга қўйган мақсадларимизнинг аниқлиги, уларни амалга ошириш стратегиямизнинг тўғрилигини ўйласак, беихтиёр жамиятимиздаги ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий соҳадаги, айниқса, одамларимизнинг ҳуқуқий маданияти, маърифатлилиги борасидаги ишлар яқин истиқболда албатта ўзининг ижобий самарасини беришига имонимиз комил бўлади. Аммо, шундай муаммолар ҳам борки, уларнинг ечилмай қолиши ёки чала ҳал бўлиши бутун бир миллатга, унинг маънавиятига, маърифатига, турмуш даражасига жиддий таъсир кўрсатади. Бу — миллатнинг генофонди масаласи. Унинг яхшилиги ва ёмонлиги аслида жамият миқёсида муҳокама қилиниши лозим бўлган ёки давлат миллиардлаб сўм маблағларини сарф қилиб ечадиган муаммолардан бири. Зеро, бугун деярли кўплаб давлатлар, жумладан, давлатимизнинг имкониятлари бу борада етарли. Лекин масаланинг яна бир тарафи борки, миллий генофонд муаммоси, ҳар бир миллат аъзосининг насл-насаби, унинг тозалиги ва саломатлиги муаммоси — бу ҳар бир инсоннинг, оиланинг муаммоси ҳамдир. Оллоҳ томонидан ҳар биримизга бир маротаба яшаш имконияти берилган экан, уни қандай ташкил этиш, яхши турмуш кечириш, саломатликка қайғуриш, ўзини бахтиёр ҳис қилиш маълум маънода шахсий масалалардир. Тасаввур қилинг: атрофимиздаги барча инсонлар, яқинларимиз, қариндош-уруғимиз соғ ва саломат, ҳеч кимни ҳеч бир дард ёки касаллик безовта қилмайди. Қандай яхши бўлар эди, деб ўйлашингиз, табиий. Лекин афсус ва надоматлар бўлсинки, ҳар бир оила, унинг ҳар бир аъзоси умрида у ёки бу хасталикка чалинади, уни даволайди, ундан буткул қутулиб кетишга уринади. Бир марта оғзи куйган одам қатиқни ҳам пуфлаб ичгандай, бир дардга мубтало бўлиб, ундан қутулган одам иккинчи маротаба унга зинҳор дучор бўлмасликка ҳаракат қилади. Шунда ҳам маълум вақт ва фурсат оралиғида. Унут бўлиб борган сари, одам яна ўз саломатлигига енгил-елпи қараб, такрор ва такрор у ёки бу дардга чалиниб юраверади.

Мен бекорга генофонд масаласини шахсий ва оилавий манфаат билан боғламадим. Чунки, бугун юртимизда амалга оширилаётган барча ишларга миллат манфаати сифатида давлатнинг раҳнамолигида қаралаётганлигида катта маъно бор. Бугун Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган барча эзгу саъй-ҳаракатлар инсонга, унинг манфаатига, оиласига ва шу орқали яхлит миллат манфаатига қаратилганлиги аён. Чунки миллатнинг ҳар бир вакили соғлом, насл тоза бўлса, у миллатнинг келажаги бўлади. Бугун биз энди оила ва унинг ҳар бир аъзоси соғ бўлсин, деган шиордан бундай саломатликнинг аниқ омилларини, туб илдизларини излаб топиб, ўшаларга қаратилган аниқ тадбирий чораларни амалга ошириш босқичига ўтдик. Бундай аниқ саъй-ҳаракатлардан бири давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг таъсис этилганлиги ва бу хусусда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори бўлди.

Нега спорт ва айнан болалар спортини ривожлантириш хусусида қайғуряпти мамлакат раҳбари? Чунки уларнинг таъбири билан айтганда, «Спортнинг миллий генофондни яхшилаш, ижтимоий муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш, миллатнинг ғурур-ифтихорини кўтариш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва бошқа соҳалардаги аҳамияти бениҳоя каттадир». Эътибор берган бўлсангиз, Президентимиз спортнинг «кўплаб ижтимоий муаммоларини ҳал этишдаги» ёрдамини ҳам алоҳида таъкидламоқда. Демак, бу унинг маънавий-маърифий имкониятлари ҳам чексизлигини кўрсатади. Агар бола ёшликдан спорт билан шуғулланса, уни ўзининг турмуш тарзидаги муҳим, ажралмас одат ва кўникма тарзида онгига сингдира олса, бу нарса унинг инсон сифатида шаклланиши, ҳаёт фаолияти учун муҳим бўлган бошқа машғулотларни ҳам қийинчиликларсиз енга олишига кўмаклашади. Масалан, бир хонадонда оила бошлиғи бўлган ота боласи ёшлигидан шуғулланиши учун оддий тренажерни ўз қули билан илиб берди ва кунига шуғулланиш одатини фарзандида шакллантирди, дейлик. Бола катта бўлган сари, бу машғулотни ҳовлида, боғчасида, сўнгра мактабида давом эттиради. Оилада бола руҳиятига сингдирилган оддий бир одат унинг ҳаётида узлуксиз ҳамроҳга айланади. Бугина эмас. Оддий бир фойдали одатнинг мустаҳкамланганлиги болани кейинчалик математика, Ватан тарихи, инглиз тили, информатика асослари каби ўнлаб мактаб предметларини ўзлаштиришга зарур бўлган иродасини пиширади, чиниқтиради. Бир ишга киришиб, уни матонат билан енгган бола бошқа ишни ҳам шундай сабр-тоқат ва матонат билан енга олади, уддалайди. Бу фанда исбот қилинган ҳақиқат.

(Давоми 2-бетда).

Долзарб мавзу

## Ҳаққингни бил, истеъмолчи!

Жамиятнинг яшаш тарзини белгиловчи қонунларимиз жуда кўп. Уларнинг баъзилари айрим тармоққа хос, муайян қисми барчага бирдай дахлдор. Масалан, "Селекция ютуқлари тўғрисида"ги Қонун, аввало, шу соҳада ишлаётган ходимларга, сўнгра ушбу тизим билан алоқага киришган соҳа вакилларига керак бўлиши табиий. Ҳаёти мобайнида умуман селекция билан боғлиқ бўлмаган одам мазкур қонуннинг қўлланишига дахлдор бўлмаслиги мумкинми? Жудаям мумкин. Лекин бизда шундай қонун борки, жамиятимиздаги ҳар бир фуқаро, ҳеч шубҳасиз, ўша ҳуқуқий ҳужжат билан ҳар қадамда тўқнашади. Бу Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунидир. Чунки, эркакми, аёлми ёхуд бадавлатми, камбағалми — ким бўлмайлик, ҳаммамиз истеъмолчимиз.

Ушбу қонуннинг ишлаши ёки ишламаслиги фақат айрим мутасаддиларга эмас, балки асосий "қатнашувчилар", яъни истеъмолчиларнинг фаоллигига боғлиқ. Қонунда истеъмолчига шундай таъриф берилган: фойда чиқариб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсий истеъмол ёки бошқа мақсадларга товар сотиб олувчи, иш, хизматга буюртма берувчи ёхуд шу ниятда бўлган фуқаро (жисмоний шахс). Содда қилиб айтганда, яшаш учун ҳаётдаги моддий неъматлардан фойдаланувчи инсон. Ана шу инсоннинг истеъмолчилик билан боғлиқ ҳолатлардаги ҳуқуқлари мазкур қонунда ёзиб қўйилган.

Шу қонун ишлаши учун энг асосий шарт нима? Бизнингча, бу ҳуқуқий ҳужжатни барча истеъмолчилар, яъни ҳамма яхши билиб олишида. Ахир ҳуқуқларни билмай туриб уни талаб қилиб бўлмайди-ку. Парламент томонидан 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган, 2002 йил 5 апрелда айрим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган бу қонун, айниқса, кейинги йилларда халқимиз ҳаётини яхшилашда жуда муҳимлиги сезиляпти.

Лекин Қонун моддалари тўлиқ ишлаб кетмаяпти. Сабаб? Яна ўша гап: қонунни мутасаддилар билишади, истеъмолчилар ҳаётда кенг қўллашмаяпти. Оқибатда ички истеъмол бозорида сифати паст, одамлар ҳаёти ва соғлигига хавф туғдирувчи товарлар пештахталаримизга чиқиб қоляпти. Биринчи навбатда халқимиз манфаатини кўзлаб яратилган бу қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши қанчалик зарур эканлигини энди тушунгандирсиз.

Ҳаётнинг ўзи ушбу қонун ишлашини таъминловчи механизм бўлишини тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2002 йил 28 ноябрда қабул қилган "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-

(Давоми 2-бетда).

## Қадриятларимиз эъзоз топмоқда

Ўзбекистон Республикаси "Ижтимоий фикр" маркази томонидан ҳар йили аҳоли ўртасида "Сизнинг ва оилангиз ҳаётида маҳалла қандай роль ўйнайди?" мавзуида тезкор сўровлар ўтказилади. 1998 йил ана шундай сўровларда иштирок этганларнинг 52,4 фоизи оилада маҳалланинг ўрни муҳимлигини эътироф этган бўлса, 2002 йилга келиб бу кўрсаткич 60,1 фоизни ташкил этмоқда. Бундан кўриниб турибдики, маҳалла, деб аталувчи қўрғонимиз кун сайин мустаҳкамланиб бораяпти, анъаналаримиз урф-одатларимиз, миллий қадриятларимиз эъзоз топмоқда.

**М. ХОЛМАТОВА.**

## Озод Ватан таянчи

Қашқадарёда "Обод маҳалла — озод Ватан таянчи" мавзуида энг яхши асарлар кўрик-танловини ўтказишга қарор қилинди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими, хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла", "Наврўз" жамғармалари вилоят бўлимлари танлов ташаббускори бўлишди. Танловда вилоятда яшаб, ижод қилаётган қаламкашлар ўз шеърлари, насрий, драматик ва публицистик асарлари билан иштирок этишлари мумкин.

**Н. РАВШАНОВ.**

Сўнгги хабарлар

## УЧҚУДУҚНИНГ ҚАЙМОҒИ

**Учқудуқ шаҳрида сутни қайта ишлаш заводи иш бошлаганига бир йилдан ошди. Навоий кон-металлургия комбинати ҳомийлигида барпо этилиб, Исроил технологияси билан жиҳозланган корхона саноатчилар шаҳри аҳолисининг сут маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондирмоқда. Бу ерда бир кеча-кундузда 10 тоннагача сут қайта ишланиб, ундан ортиқ турдаги сут маҳсулотлари савдога чиқарилмоқда.**

**Корхона янги йилнинг дастлабки кунларидан бошлаб тўлиқ қувват билан ишлашга ўтди. Бу эса қаймоқ, сут, қатиқ, йогурт каби маҳсулотлар билан қўшни Зарафшон шаҳри ва Мурунтов қўрғони кончиларини ҳам таъминлаш имконини берди.**

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

## Мақсад — тиббий маданиятни юксалтириш

**Жиззах вилоят халқ таълими бошқармаси ва малакали тиббиёт ходимлари ҳамкорликда барча ўқув даргоҳларининг юқори синф ўқувчилари билан "Репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш" ўқув дастурини амалга ошира бошлади.**

**Мақсад — ўқувчи ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, ҳар бир оиланинг тиббий маданияти даражасини юксалтиришга ҳисса қўшиш. Ўқувчилар билим даргоҳларида ҳафтада бир марта ўтказиладиган назарий машғулотлардан ташқари тиббиёт муассасаларида бўлишади, соғлиқни сақлаш ходимлари иштирокидаги давра суҳбатларида қатнашадилар.**

**Бу тадбирлар узоқ қишлоқларда, тиббиёт ходимларига муҳтожлик катта бўлган жойлардаги аҳолига айниқса қўл келиши шубҳасиз.**

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

**Мамлакатимизда давом этаётган оммавий ватанпарварлик ойлигининг сўнгги кунлари Ватан ҳимоячилари байрам тантаналарига уланиб кетди.**

**Чирчиқ шаҳридаги Офицерлар уйида бўлиб ўтган "Ватан — саждагоҳ каби муқаддас" деб номланган тадбирни Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ҳамда унинг вилоят бўлими ҳамкорликда ташкил этди.**

## Ёшлар билан учрашув

**Тадбирда ҳарбий хизматчилар, фахрийлар, шаҳар умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ҳамда касб-ҳунар коллежларининг талабалари иштирок этди. Учрашувда миллий истиқлол ғоясининг ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги ўрни хусусида сўз борди.**

**Ёшлар, шунингдек, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталиги посбони бўлган мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ҳарбийларнинг жанговар ҳаёти ва турмуш тарзига оид ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олди.**

**Л. СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## «Оқсарой — тўқимачи ЛТД»

Шаҳрисабздаги «Оқсарой — тўқимачи ЛТД» Ўзбекистон-Япония-Туркия қўшма корхонаси ўтган йилнинг апрелида ўз фаолиятини бошлаган эди. Корхона ташкил этилганидан буён 3527,4 тонна маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди. Шундан 6 миллион 87 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот хорижга жўнатилди. Ўз нуфузи, салоҳиятига эга бўлган ушбу корхона бу йил ҳам кўплаб хорижий давлатлар билан ҳамкорлик шартномалари тузишга эришди.

**Н. РАВШАНОВ.**



Таҳририятга хат

Газетада босилмади, аммо...

## ҚАРЗЛАР ҚАЧОН УЗИЛАДИ?

*Биз пилла заводларига олий ва сара уруғ етказиб бериш билан шуғулланамиз. Бу жиҳатдан турдош корхоналар орасида биринчи ўринни эгаллаб келамиз. Бироқ 2001-2002 йилларда сотган маҳсулотларимиз пулини ҳануз ололмаяпмиз. Оқибатда ишчи-хизматчиларимиз ойлаб маошсиз қолиб кетишмоқда. Ўз ишини аъло даражада биладиган мутахассисларимиз ариза бериб, ишдан бўшашга мажбур бўлишмоқда. Бу ҳақда республика "Пилла холдинг" компанияси ва унинг вилоят бўлимига қилаётган мурожаатларимиз фойда бермаётир.*

*Сизлардан илтимос, жамоамиз тарқаб кетмаслиги учун ҳақимизни олишда ёрдам кўрсатсангизлар.*

**Андижон наслли ипакчилик корхонаси аъзолари: Б.БОЛТАБОЕВ, О.АБДУЛЛАЕВ, Н.ИКРОМОВ, А.МАКСИМОВ ва бошқалар (жами 29 имзо).**

## Расмий жавоб

**Президентимизнинг пиллачиликни янада ривожлантиришга доир фармонлари ҳамда ҳукуматимизнинг ушбу масалага оид қарорлари соҳадаги ижобий ўзгаришларнинг асосий омили бўлмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқариш кўпаймоқда, сифати яхшиланмоқда. Корхоналарнинг молиявий аҳволи барқарорлашмоқда.**

(Давоми 2-бетда).




## Сизни халқ таълими вазири эшитади

### Муҳтарам «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газетхонлари!

Шу йил 17 январь, жума куни соат 10.00 дан 12.00 гача Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Рисбой ЖЎРАЕВ телефон орқали мулоқот соатлари ўтказади.

Агар Сизни мамлакатимиз халқ таълими тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган улуғвор вазифаларнинг қандай бажарилаётганлиги, бу борадаги янгиликлар, муаммолар қизиқтирса, шу соҳадаги ишларни янада яхшилашга оид таклиф ҳамда мулоҳазаларингизни айтишни истасангиз, қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилинг.

139-42-14, 139-19-59.

**Мабодо, вазирга бериладжак саволларни олдиндан етказмоқчи бўлсангиз, иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача бевосита 133-38-01, 133-10-17 рақамли телефонлар орқали ёки 133-71-07, 133-57-34, 139-11-73 рақамли факс орқали мурожаат қилишингиз мумкин.**

**Бевосита мулоқотга марҳамат!**

# ОИЛА ВА СПОРТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Демак, бу жамғарма бугун авлодимиз иродаси кучли бўлиши, ўқишга ва ишга чидамли, ёшларнинг катталар ишига ворис сифатида дадил киришиши билан боғлиқ феълини мустаҳкамлаш учун ташкил этилди. Болалар спортини ривожлантиришга кетган ҳар бир сўм, менимча, миллат учун миллиардларда қайтади. Чунки биз бугун болаларимизда мактаб парталарида кўраётган укувсизлик, фан предметларига бефарқлик, енгил-елпи пул топиб, белни қайиштирмай осонликча мўмай даромад топадиган «сохта тадбиркор» бўлишга интилишнинг асосида аслида ўша ироданинг сустлиги, жисмоний қувватнинг камлиги ётади. Ёки бугун аёллар даврасида тез-тез эркакларнинг кўп нарсаларда, хусусан, оила ва аёлига ғамхўрлик борасида масъулиятсизлиги тўғрисида гап очиладиган бўлиб қолди. Нега? Қани, миллатнинг алп йигитлари дегинг келади. Афсуски, бу гапларнинг тагида жон бор. Миллий анъаналаримиз, қадриятларимизга зид бундай гап-сўзларнинг пайдо бўлишига ёшлигидан иродасини мустаҳкамлай олмаган, армияга таниш-билиш қилиб бормай қолган (негадир, бундан уялиш ўрнига ғурурланаётган йигитлар бор) эркакларимиз сабабчи эмасми? Шунинг учун жамғармани ташкил этиш Низомида ҳам, Президентимизнинг шу масалалар билан боғлиқ муаммоларга бағишланган йиғилишда ҳам спорт билан шуғулланган одамнинг ўз олдига қўйган мақсадига эришиш йўлида собитқадам бўлиши алоҳида таъкидланган.

Демак, бугун спортни ривожлантириш, у орқали миллатнинг ҳам қизи, ҳам ўғлини тарбиялаш масаласи ўзбек оиласини мустаҳкамлаш, жамиятни поклаш, маънавиятни барқарорлаштириш каби муҳим ишларнинг асослари билан боғланмоқда.

Мен охирги пайтларда битта нарсага эътибор берадиган бўлиб қолдим. Масалан, Халқ таълими вазирлиги фақат болаларга таълим ва тарбия бериши керак ва айнан шунга жавоб беради. Соғлиқни сақлаш вазирлиги бутун тасарруфидаги тиббиёт масканлари билан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга жавобгар. Мудофаа вазирлиги Ватанимиз сарҳадларининг дахлсизлиги учун масъул ва ҳоказо. Лекин бугун жамиятимиздаги янгиланишлар, ижтимоий сиёсатнинг йўналишиданми, ҳамма, бутун жамоатчилик барча нарса билан қизиқадиган, ўзини муҳим масалаларга жавобгар ҳисоблайдиган бўлиб қолди. Шу сабабли бўлса керак, кун сайин турли нодавлат ва нотижорат ташкилотлари, ўз-ўзини бошқарувчи идоралар сони ортмоқда, маҳалланинг нуфузи кўтарилмоқда. Масалан, биргина саломатлик масаласини оладиган бўлсак, ушбу масала атрофида мамлакат Парламентидан тортиб, маҳалла фаолларигача бош қотирмоқдалар. Худди шундай болалар спортини ривожлантиришга, мамлакатимиздаги энг нуфузли ташкилотлар ҳомийлиги ва иштирокида ташкил этилган болалар спортини ривожлантириш жамғарма олдига қўйган вазифаларни бажаришга ҳам бугун бутун жамоатчилик тўла жалб этилди.

Гап шундаки, бугунги тасаввурларга кўра, бола спорт билан фақат ўзининг жисмоний қувватини тиклаш ва бўш вақтини мароқли ўтказиш учун эмас, балки у орқали соғлом турмуш тарзига амал қилиш, маънавий ва жисмоний камолга интилиш, турли салбий таъсирлар ва зарарли одатлардан халос бўлиш, кучли характерни шакллантириш учун шуғулланади. Демак, ана шундай фазилатларга эга бўлган шахс бизга, ҳаммамизга керак — ота-онага ҳам, устоз-мураббийга ҳам, маҳалла фаолларига ҳам, ишлаб чиқаришни ташкил этувчи мутасаддиларга ҳам. Энг муҳими — бу қадриятлардан шахснинг ўзи биринчи навбатда манфаатдор.

Демак, бу тадбирга умумхалқ тадбири деб қарашимиз мантиқан тўғри эканлиги келиб чиқади. Бу хулоса учун яна иккита кучли асос бор. Аввало спорт оммавий тус олгандагина самарали бўлишини тушунишимиз лозим. Шунинг учун давлатимиз раҳбари ҳам болалар спортининг оммавий бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлади. Яъни, бу ишга болалар фақат тилда эмас, балки дилидан яхши кўрадиган машғулотига қарагандай муносабатда бўлгандагина оммавий тус олади. Иккинчидан, шу ишларга бош-қош бўладиган мураббийлар ўз ишларига сидқидилдан, виждонан ёндашсалар, уринишлар самара беради. Чунки агар бола мураббийнинг фақат вақт ўтсинга ёки мажбуран машғулот ўтаётганини, ёҳуд машқ қилишни номига уюштирганини ҳис қилиб қолса, унинг ўша заҳоти энсаси қотади ва кейинги сафар дарсга келмаслик йўлини қидира бошлайди. Демак, мураббийлардан ҳам бу борада жонкуярлик талаб қилинади. Энг аввало, болаларимизнинг спортга меҳрини ошириш, уларни жисмоний ва маънавий тарбиялашнинг таъсирчан, замонавий шакл ва услубларини ишлаб чиқиш, энг самаралиларини болаларнинг ёши, жинси ва қизиқишларига мос тарзда амалиётга жорий этиш, спорт кўникмаларига эга бўлганларнинг салоҳиятини диагностика қилиш, натижаларга кўра, энг иқтидорлиларини махсуслаштирилган спорт марказларига жалб этишнинг илмий тамойилларини белгилаш, педагог-мураббийларга болаларнинг қизиқиш даражасига мос тарзда машғулотлар ташкил этиш, уларни имкониятларига мос спорт турлари билан шуғулланишга йўналтириш малакаларини шакллантиришдан иборат.

Бу ўринда мен мактаб билан оиланинг ўзаро алоқасини алоҳида таъкидламоқчиман. Чунки агар мураббий астойдил бола билан шуғуллансаю, отаси ёки онаси боланинг дарсдан кейинги вақтини уй юмушлари билан тўлдириш режасини тузаверса, бола аросатда қолади. Ёки боласининг саломатлиги ақлий ва иродавий имкониятларини яхши билган онанинг фикрларига эътиборсизлик билан болани мавжуд имкониятлар доирасида спорт секциясига зўрлаб жалб этган мураббий ҳам «қош қўйиш ўрнига, кўз чиқариб қўйиши» мумкин. Бугун барча хотин-қизлар фаоллари, маҳалла, «Оила» марказларининг вакиллари бирлашиб, ота-оналарга жамғарманинг асл мақсади ва болалар спортини ривожлантиришдан кўзланган ниятларни аниқ тушунтириб бермас эканмиз, яна мактаб билан хонадон ўртасида англашилмовчиликлар пайдо бўлаверади.

Мана, бу йил «Обод маҳалла йили» деб эълон қилингани айни муддао бўлди. Шу йилнинг шарофати билан ҳар бир маҳаллада болаларнинг эҳтиёжлари, қизиқишларига монанд, ота-оналарнинг қўллаб-қувватлашлари билан спорт майдончалари пайдо бўлади, борлари обод бўлади. «Оила-маҳалла-спорт иншооти-мактаб» ягона бир тизим сифатида ҳамкорликда ишлаш дастурлари пайдо бўлади. Бу йилнинг шарофати билан ишланган дастурлар келажак учун, авлодларимизнинг саломатлиги, генларимизнинг тозалиги, эркакларимизнинг жисмоний ва маънавий камолоти учун хизмат қилади. Бўлғуси оналар бўладиган қизларнинг тўғри жисмоний тарбияси, албатта, уларнинг келажакда соғлом фарзанд кўришига замин бўлади.

Демак, юртимизда болалар спортини ривожлантиришга бутун жамоатчилик, соғлом кучларнинг жалб этилганлиги янгича демократик муносабатларнинг янада такомиллашиб бораётганлиги, иккинчи томондан, жамиятдаги ҳамжиҳатлик, глобал муаммолар атрофида халқнинг бирлашувининг яққол намунаси бўлади. Бу эса стратегик мақсадимиз — миллий генофондни яхшилаш, баркамол ва соғлом авлод тарбияси борасида амалга ошираётган ишларимизни сифат поғонасига кўтаради. Олимлардан бири — *Ф. Найтингейл ёзган экан: «Ҳозир ҳамширалар беморларга қарамоқдалар, лекин шундай вақтлар келадики, уларнинг қарамоғидагилар соғлом бўлиб, ҳамширанинг вазифаси фақат уларнинг бетоб бўлиб қолмасликлари учун қайғуриш бўлиб қолади»*. Бугун болалар спортини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссамиз, келажакда албатта, беморлар кам бўлиб, фақат ўзларини чиниқтириш учун онгли тарзда соғлом турмуш тарзини шакллантира оладиган жамиятга келишимизга имкон берса ажаб эмас.

**Васила КАРИМОВА,**
**Республика «Оила» илмий-амалий маркази директори, психология фанлари доктори, профессор.**

*Республика таълим марказида "2002 йилнинг энг яхши ўқитувчиси" номли кўрик-танловнинг якуний босқичи бошланди. Ушбу танлов Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган бўлиб, унинг саралаш босқичлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлиб ўтди.*

# «2002 йилнинг энг яхши ўқитувчиси»

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимиз келажаги кўпроқ чуқур билимларга эга малакали ва маълумотли кадрларга боғлиқ. Шу боис республикада таълимни ривожлантириш, ўқув жараёнини Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ ташкил этиш, ўқиш сифати ва самарадорлигини оширишга катта эътибор берилаётгани бежиз эмас. Ушбу жараённи эса ўқитувчилар малакасини такомиллаштирмасдан тасаввур қилиб бўлмайди. Халқ таълими вазирлиги ташаббуси бўйича ташкил этилган "Йилнинг энг яхши ўқитувчиси" кўрик-танловини ўтказиш кўп йиллардан буён яхши анъанага айланиб қолган.

Ушбу кўрик-танлов энг яхши педагогик тажрибани бутун республикамиз бўйлаб оммалаштириш, ўқув жараёнига замонавий педагогик технологияларни татбиқ этиш, ўрта мактаблар ўқитувчиларининг касбий малакасини ошириш, уларни рағбатлантиришга қаратилган. Йилдан-йилга танловда иштирок этиш истагини билдираётган мураббийлар сони ортиб бормоқда. Хусусан, "2002 йилнинг энг яхши ўқитувчиси" танловининг туман, шаҳар ва вилоят босқичлари муваффақият билан ўтказилди. Кўрик-танловнинг якуний республика босқичига эса Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг энг яхши 14 нафар ўқитувчиси чиқди.

Шунингдек, танлов доирасида мактабларда семинарлар, намунавий-кўргазма дарслари ташкил этилди. Унинг иштирокчилари педагогика, сиёсат, ҳуқуқ, замонавий техника ва технологиялар, руҳшунослик соҳалари бўйича ҳам ўз билим ҳамда кўникмаларини намойиш этади.

**Н. УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Шарқ тароналари шуҳрати

(Давоми. Боши 1-бетда).

этгани ҳам диққатга сазовор. Шу боис аксарият хорижий давлатларда ўтказилувчи турли фестиваллар директорлари ўзбек миллий санъати билан янада яқинроқ танишиш мақсадида ушбу жамоаларни ўз мамлакатидаги йирик нуфузли тадбирларга таклиф этаётир. Жумладан, 2002 йили Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида бўлиб ўтган футбол бўйича жаҳон чемпионатига "Шарқ тароналари" фестивалининг ғолиблари таклиф этилиб, улар очиқ майдонда кўп миллионли томошабинларга ўн кун давомида концерт берди.

Фестиваль доирасида "Энг яхши миллий қўшиқ ижроси учун" танлови ўтказилади. Бунда ҳар бир мамлакатдан ташриф буюрган қатнашчи ўз халқининг миллий қўшиғини ижро этади. Тақдим этилиши лозим бўлган мусиқий дастурлар халқ мусиқа ижодиёти намуналари, мумтоз ва замонавий миллий мусиқий йўналишлардан иборат бўлиши даркор.

Ғолибларнинг қўшиқлари диск орқали кўпайтирилиб, бутун дунёга тарқатилади. Танлов иштирокчиларини баҳолашда ўн бир кишидан иборат халқаро ҳайъат иш олиб боради. Ҳайъат аъзоларидан фақат бир киши Ўзбекистон вакили эканлиги мазкур танловнинг нечоғли холис кечишидан дарак беради.

Фестивалнинг асосий тадбирлари ўтадиган Регистон майдонида саҳна ва амфитеатр қуриш, шаҳарни бадиий безаш ишларига алоҳида эътибор қаратилади. Саҳналарни безаш, замонавий овоз кучайтириш, ёритиш воситалари ўрнатилади. Кўҳна ёдгорликлар таъмирланиб, кўча ва хиёбонлар ободонлаштирилади. Анжуман муносабати билан шаҳар янада чирой очиб, ўзгача файзу тароват касб этади.

Анжуман доирасида ташкил этиладиган турли кўргазма, ярмаркаларда юртимиз фаровонлиги, бой ноз-неъматлари, амалий санъат намуналари намойиш этилади. Байрамда жаҳоннинг қирқдан зиёд давлатидан нуфузли меҳмонлар, таниқли мусиқашунослар, олимлар, санъаткорлар, жамоат арбоблари иштирок этиши кутилмоқда.

**ЎзА мухбири**
**Назокат УСМОНОВА**
**ёзиб олди.**

*Банк фаолияти:*

# ҚОНУН ИШОНЧНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

*Марказий банкда банк тизимининг бугунги кундаги долзарб муаммоларига бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди. Унда Марказий банк ва тижорат банклари раҳбарлари ҳамда мутахассислар иштирок этди.*

Маълумки, аҳолининг банкларга қўйилган омонатларини сир тутишнинг қонун билан кафолатланиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасида мустаҳкамланган. Ушбу конституциявий меъёр Фуқаролик кодекси ҳамда "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонун орқали ҳаётга изчил татбиқ этиляпти.

Фуқаролик кодексининг 786-моддасига асосан банклар банк ҳисобварағи ва банк омонати, ҳисобварақ бўйича операциялар ҳамда мижоз ҳақидаги маълумотлар сир сақланишини кафолатлашлари шарт."Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 38-моддасига мувофиқ, банклар ўз мижозлари ва вакилларининг операциялари, ҳисобварақлари ҳамда жамғармаларига доир маълумотлар сир сақланишига кафолат беради.

Шунга қарамай, айрим ҳолларда банк сирини ташкил этувчи маълумотларни беришни тижорат банкларидан асоссиз талаб қилиш ҳолларига ҳам дуч келинаётир. Бундай ҳолатлар фуқароларнинг банкларга бўлган ишончи сусайишига олиб келиши мумкин. Шу боис банк сирининг ошкор бўлмаслигини таъминлаш банклар учун муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Одатда, банк сирини ташкил этувчи маълумотлар деганда, нафақат мижознинг банк ҳисобрақами орқали ўтказган операциялари, балки унга тегишли бўлган ҳар қандай маълумот тушунилади. Семинарда бундай маълумотларнинг барчаси сир тутилишини таъминлаш аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини оширишда муҳим омил экани таъкидланди.

Семинарда пул муомаласини янада такомиллаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш, пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини қисқартириш масалалари, шунингдек, тижорат банклари фаолиятини текширишлар тартиби ва бу борадаги муаммолар ҳам муҳокама этилди. Мижозларга жаҳон андазалари даражасида банк хизматлари кўрсатишда банк ва мижоз ўртасидаги шартномавий муносабатларни янада такомиллаштириш, банк хизматларининг янги турларини кенгроқ жорий этиш истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди.

**(ЎзА).**



*«Атлас — мен» қўшма корхонаси Косонсой туманидагина эмас, Наманган вилоятида ҳам экспорт салоҳияти юқори корхоналар сирасига киради. Ҳозирга қадар корхонада фақатгина жун калава, жун адиял ишлаб чиқарилган бўлса, айни пайтда тайёр кийим-кечаклар ҳам ишлаб чиқарила бошланди. Ушбу маҳсулотлар нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам ўз харидорларини топишга улгурди.*

**СУРАТДА: корхонанинг илғор ишчиси Нилуфар Тошпўлатова.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# ЁШЛАР ТАРБИЯСИ МУНТАЗАМ ЭЪТИБОРДА

Навоийда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиясининг йил якунига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Уни вилоят ҳокими Б.Рўзиев бошқарди.

Йиғилишда вояга етмаган ёшлар, ҳуқуқбузарликка мойил ўсмирлар билан олиб борилаётган тарбиявий тарбирларнинг самарадорлигини ошириш, иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш, тарбияси оғир, ўзлаштира олмайдиган ўқувчиларни тўгаракларга жалб қилиш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш, бутун вилоят миқёсида, айниқса қишлоқ жойларида болалар спортини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар атрофлича кўриб чиқилди.

Йиғилишда Президентимизнинг Амнистия тўғрисидаги Фармонига биноан озодликка чиқиб келаётган ёшларни ўқишга, ишга жойлаштириш, моддий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий ҳаётда ўз ўринларини топишга кўмаклашиш борасидаги ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Комиссиянинг жорий йилга мўлжалланган иш режаси тасдиқланди.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

# Ҳаққингни бил, истеъмолчи!

(Давоми. Боши 1-бетда).

тадбирлари тўғрисида"ги қарори жамоат назоратини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини оширишга доир ишларни фаоллаштириб юборди. Шу қарор билан Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Идоралараро кенгаш ташкил этилди. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, республика истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат бу Кенгаш мазкур Қонунни амалга ошириш борасида ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштиради.

Шу кунларда ушбу қарор ижроси бўйича қизғин иш кетмоқда. Мамлакат бўйича истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларининг 181 та туман, 29 та шаҳар конференциялари бўлиб ўтди. Жойлардаги таянч гуруҳларни ўз ичига олган жамиятлар ҳудудий бирлашма конференцияларига ўз делегатларини юборишди. Таъсис конференцияларида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи қанчалик муҳим аҳамият касб этиши, бу ишда жамоатчилик иштироки жуда зарурлиги таъкидланди.

Демак, мазкур қонун асосий субъект, яъни истеъмолчининг фаоллиги таъминлангандагина рўёбга чиқади, кутилган самарани беради. Ўтган ҳафтада Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Тошкент вилояти ҳудудий бирлашмасининг таъсис конференциясида ҳам бу фикр алоҳида таъкидланди. Энг муҳими, масаланинг моҳиятини истеъмолчилар онгига етказиш учун астойдил ҳаракат кетмоқда. Маҳаллаларда, аҳоли гавжум жойларда, бозорда истеъмолчи манфаатини ҳимоя қилиш бўйича суҳбатлар, савол-жавоблар, баҳслар мунтазам ўтказилмоқда.

Истеъмолчи авваламбор ўз ҳуқуқларини мукаммал тарзда билиши товарларни сотиб олишда, хизматларга буюртма беришда ёки ишларнинг бажарилишида ишонч ва дадиллик беради. Товар сотиб олинаётганда шуни

**ЭСДА ТУТИШ КЕРАК: сотиб олувчи ёки дўконга кирган шахс товар тўғрисида, унинг хусусиятлари ва сифати, фойдаланиш, ишлатиш шартлари, кафолатлари, яроқлилик муддати, шунингдек товарнинг ишлаб чиқарувчи, уни нархи (баҳоси), товар хавфсизлигини тасдиқловчи мувофиқлик сертификатининг мавжудлиги ва умуман товар ва уни сотувчи (корхона) тўғрисидаги барча маълумотларни сотувчидан талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар.**

Узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни сотиб олишда сотиб олиш санаси, сотиб олинган товарнинг қиймати ва айнан шу корхонада сотиб олинганлигини тасдиқловчи касса чеки, тилхат, квитанция ва бошқа ҳужжатнинг берилишини талаб қилиш керак. Агар сотиб олинаётган товарларнинг техник паспортлари мавжуд бўлса, у ҳолда товарнинг сотилган санасини кўрсатган ҳолда белги қўйиб қўйишни талаб қилиш керак бўлади. Сотувчининг имзоси корхонанинг муҳри ёки тўртбурчак штампи билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Сотиладиган товарларга уларни эксплуатация қилиш (ишлатиш) бўйича йўриқнома, ундан фойдаланиш қоидалари ёхуд товар тўғрисидаги бошқа маълумотлар илова қилиниши керак. Агар кўрсатиб ўтилган маълумотлар тақдим қилинмаса, товар тўғрисидаги ҳужжатлар йўқ бўлса ёки товарнинг келиб чиқиши тўғрисида шубҳа пайдо бўлса, шунингдек, мувофиқлик сертификати йўқ бўлса ёки сотувчи товар сотиб олинганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этишдан бош тортса, ушбу товарни сотиб олишдан ўзни тийган маъқул.

Маълум бир ишни бажаришда ёки хизматни кўрсатишга буюртмани расмийлаштиришда бажарувчидан товар (хизмат) тўғрисида, бажарилган ишдан фойдаланиш қоидалари, бажариш кафолатлари тўғрисидаги тўлиқ маълумотларни талаб қилиш керак.

Агар истеъмолчи томонидан сифатсиз қабул қилинган стандартларга жавоб бермайдиган товар харид қилинган бўлса ёки ундан фойдаланиш қандайдир сабабларга кўра мумкин бўлмаса, у ҳолларда истеъмолчи ушбу товарни сотиб олган ёки ишлаб чиқарилган жойига сотиб олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим қилган ҳолда қайтариб беришга ёки уни алмаштиришга, дастлабки ҳолатини тиклашга, тузилган шартномани бекор қилишга ёки пулини қайтариб беришни талаб қилишга ҳақлидир. Истеъмолчининг қонуний талаблари сўзсиз тартибда қондирилиши керак.

Истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилганда зудлик билан корхонанинг мансабдор шахсига оғзаки раддия билан мурожаатларнинг ўзи истеъмолчининг ҳуқуқини тиклаш учун кифоя бўлади.

Агар истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилса, сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) йўл қўйилган қонунбузарлик ҳолатини ихтиёрий равишда тузатишдан бош тортса, у қаерга мурожаат этиши керак? Истеъмолчилар Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ўз ҳуқуқларини бузилганлиги тўғрисидаги ариза билан Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига ёки унинг ҳудудий бўлинмаларига мурожаат этишлари мумкин. Агар қонун бузилиш ҳолатини тасдиқловчи бирон-бир ҳужжатни (сотиб олиш қиймати ва сотиш санаси кўрсатилган товар ёки касса чеки, тилхат, квитанция) бўлмаган ҳолатларда истеъмолчи қилган даъвоси бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Истеъмолчи монополияга қарши органлар ва жамоат бирлашмалари билан ўзаро яқин алоқада бўлган маҳаллий давлат ҳокимияти органларига мурожаат қилиши мумкин.

Маҳсулот хавфсизлиги, иш ва хизматлар, жараёнлар аҳолининг ҳаёти, соғлиғи, мол-мулкига, атроф-муҳитга таъсири, ресурсларни сақлаш ёки стандартлаштириш масалаларида монополияга қарши органлардан ташқари истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи махсус ваколатлар берилган давлат органлари бўлиб қуйидагилар:

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш маркази (Ўздавстандарт), Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва бошқа давлат бошқаруви органлари ҳисобланади.**

Бундан ташқари, истеъмолчи жамоат ташкилотлари, яъни — Ўзбекистон истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, вилоятлардаги ва Тошкент шаҳридаги истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари орқали ҳаракат қилишлари мумкин. Федерациянинг фаолияти истеъмолчиларнинг саводхонлиги ва давлатнинг истеъмолчилик сиёсатини ташвиқот қилиш бўйича йўналишларда амалга оширилади.

Истеъмолчи судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Даъволар жавобгар, истеъмолчи жойлашган ёки зарар етказилган жойда тақдим этилади. Истеъмолчининг суд органларига тақдим этилган даъвоси бож тўлашдан озод этилади.

Етказилган маънавий зарарнинг миқдори суд томонидан белгиланади.

Кўпинча ўзаро суҳбатларда дунёнинг ривожланган мамлакатларида халқ фаровонлиги, аҳоли турмуш тарзи юксак даражада эканлиги тўғрисида ҳавас билан гапирамиз. Аслида бунга биринчи навбатда қонун устуворлигини таъминлаш, маданийлашган бозор тизимини жорий этиш орқали эришилган. Шундай экан, ҳеч кимдан кам бўлмаган юртимизда цивилизациявий муносабатларни таркиб топтириш ўзимизга боғлиқ.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**

# ҚАРЗЛАР ҚАЧОН УЗИЛАДИ?

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Ҳукумат қарорларида кўзда тутилган тавсияларга кўра, тижорат банклари пилла етиштириш ва ипак қурти уруғи тайёрлаш учун етарли миқдорда кредит маблағлари ажратмоқдалар. 2002 йилги ипак қурти парваришлаш мавсумида корхоналар молиявий таъминланганлиги боис республикамизда 20 минг тоннадан ортиқ, аввалги йилдагига нисбатан 2,7 минг тонна кўп пилла етиштирилди. Бунда ипак қурти уруғчилиги корхоналарининг, жумладан, Андижон наслли ипакчилик корхонаси жамоасининг ҳам муносиб улуши бор.**

**Маълумки, пиллакашлик корхоналарининг эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида пилла хомашёсини ўзимизда тўлиқ қайта ишлаш йўлга қўйилган. Бироқ айни чоғда ташқи бозорда табиий хом ипакка талаб йўқлиги ва унинг нархи кескин пасайганлиги (2001 йили жаҳон бозорида ҳар килограмм табиий ипакнинг баҳоси 14-16 АҚШ долларини ташкил этган бўлса, бултур 9 АҚШ долларидан ошмагани) сабабли маҳсулотлар сотилмай туриб қолмоқда. Оқибатда пиллакашлик фабрикалари пилла хомашёси етиштирувчилардан, ўз навбатида пилла тайёрлаш корхоналари ипак қурти уруғчилиги корхоналаридан қарзларини вақтида тўлолмаяптилар. Бу уруғчилик корхоналарида кредиторлик, жумладан, иш ҳақидан мавжуд қарзларни тўлаш кечикишига сабаб бўлмоқда.**

**Шунга қарамасдан, "Ўзбек ипаги" уюшмаси соҳа корхоналарида юзага келган аҳволни барқарорлаштириш чораларини кўрмоқда. Чунончи, пилла хомашёсини республикадан ташқарига сотиш бўйича ҳукуматга таклифлар киритилди.**

**"Пилла холдинг" компанияси Андижон наслли ипакчилик корхонасининг тизимдаги корхоналардан мавжуд қарзларини ундиришда унга амалий ёрдам кўрсатмоқда. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги 88-сонли қарори асосида, корхона мол-мулкини гаровга қўйган ҳолда, иш ҳақи тўлаш учун хизмат кўрсатувчи банкдан кредит расмийлаштиришни тавсия қилди.**

**Кўрилган чоралар натижасида 1 миллион 200 минг сўмлик иш ҳақи тўланди.**

**Компания бундан кейин ҳам Андижон наслли ипакчилик корхонасида вужудга келган аҳволни барқарорлаштириш учун зарур барча тадбирларни амалга оширади.**

**Ш.УМАРОВ,**
**«Пилла холдинг» компанияси бошқаруви раиси.**

Боқий қадрият

# Имом аш-Шоший

*Асли араб тилидан келиб чиққан “имом” сўзининг бир неча маънолари бўлиб, улардан бири буюк олим, аллома деган тушунчани билдиради. Шу боис ҳам жаҳоншумул аҳамиятга молик илмий-маънавий мерос қолдирган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Абу Мансур ал-Мотуридий, Бурҳонидин ал-Марғиноний каби буюк ватандошларимиз имом ал-Бухорий, имом ат-Термизий, имом аз-Замахшарий, имом ал-Мотуридий, имом ал-Марғиноний номлари билан машҳурдирлар. Мана шундай юксак мақомга сазовор бўлган буюк ватандошларимиздан бири имом аш-Шошийдир.*

Маълумки, юртимизнинг қадимий шаҳарларидан бири бўлган Шош (Тошкент) ҳам азал-азалдан илм-фан ва маданиятнинг йирик марказларидан бири сифатида бутун Мағрибу Машриқда донг таратган. Ёзма манбаларда бу шаҳарда таваллуд топиб, илм-фаннинг турли соҳалари бўйича жаҳоний эҳтиромга сазовор бўлган аш-Шоший нисбаси билан аталган кўплаб олиму уламолар ва фузалоларнинг исми-шарифларини учратиш мумкин. Мана шундай улуғ сиймолардан бири имом аш-Шоший бўлиб, унинг тўлиқ исми имом Абу Саъийд ал-Ҳайсам ибн Кулайб ибн Сурайж ибн Маъқил аш-Шошийдир. Афсуски, ҳозирги маълумотларга кўра, ёзма манбаларда олимнинг туғилган йили ҳақида аниқ сана кўрсатилмаган бўлса-да, бироқ, баъзи муаррихларнинг асарларида, жумладан, араб тарихчиси Шамсиддин аз-Заҳабийнинг (1274-1347) “Сийар аълом ан-нубало” (“Олийжаноб алломалар сийратлари”) номли йирик асарида аш-Шошийнинг ҳижрий учинчи асрнинг 70-йилларида (мелодий 880-890 йиллар оралиғида) туғилганлиги қайд этилади. Чунки, аш-Шошийнинг турли илмлар, айниқса, ҳадис илми билан астойдил шуғулланиши ва ўша даврнинг бир қанча таниқли ҳадисшунос олимларидан таълим олганлиги айнан шу даврга тўғри келади.

Бунга қўшимча яна бир муҳим жиҳати борки, у улғайиб, ҳадис илми билан шуғулланган даврда бу илм Мовароуннаҳр ва Хуросонда ўзининг энг юксак чўққисига кўтарилган ва ҳадис илмининг олтин даври сифатида эътироф этилган эди. Айни шу асрда бутун дунёга машҳур бўлган олти ишончли ҳадис тўпламларининг муаллифлари — буюк имомлар ал-Бухорий, Муслим ибн ал-Ҳажжож, Абу Довуд ас-Сижистоний, ат-Термизий, ан-Насоий, ибн Можа фаолият кўрсатган эдилар. Албатта, ушбу омилларнинг кучли таъсири остида аш-Шошийнинг илмий-маънавий дунёси шаклланди. У ҳадис илмининг ўша пайтдаги йирик марказлари ҳисобланган Бухоро, Самарқанд, Насаф ва Термиз каби шаҳарларда таниқли муҳаддислардан сабоқ олди. Шундан кейин ўз илмини янада мукаммаллаштириш мақсадида хорижий юртларга сафарга чиқади. Жумладан, Балх шаҳрида Исо ибн Аҳмад ал-Асқалоний, Зикриё ибн Яҳё ал-Марвазий, Бағдодда Аббос ад-Дурий, Яҳё ибн Жаъфар аз-Забарқоний, Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Зиёд каби таниқли ҳадисшунослардан сабоқ олган. Умуман олганда унинг устозлари жуда кўп бўлиб, элликдан ортиқ машҳур олиму машойихлардан ҳадис ўргангани ҳақида аниқ маълумотлар бор. Унинг энг машҳур устозларидан термизлик буюк муҳаддис Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий, маккалик Абул Ҳасан ал-Бағовийларни кўрсатиш мумкин. Ўз навбатида имом аш-Шоший ҳам кўп шогирдлар етиштирган бўлиб, уларнинг энг машҳурларидан Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Манда ал-Исфаҳоний, Абул Қосим Али ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ал-Хузоъий, Абу Наср ал-Бухорий ал-Калобозий, Мансур ибн Наср ибн Абдураҳим ас-Самарқандий кабиларни айтиш лозим. Афтидан муҳаддис илмий фаолиятининг аксар қисми Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида кечган, чунки унинг кўп шогирдлари мана шу шаҳарларда яшаганлар. Умрининг охирги йилларида у Бухорода истиқомат қилиб, кейин Шошга келган ва ҳижрий 335 (мелодий 946) йилда вафот этган.

Ўрта асрларда яшаган қатор араб муаллифлари имом аш-Шошийнинг ҳадис илмининг буюк алломаларидан бўлганлигини алоҳида таъкидлаб, унга қуйидагича таъриф берганлар: Ёқут ал-Ҳамавий: “Абу Саъийд аш-Шоший буюк имом, ҳофиз, кўп мамлакатларни кезган жаҳонгашта, ишончли ҳадислар муаллифи, Мовароуннаҳрнинг таниқли муҳаддиси эди”, Шамсиддин аз-Заҳабий: “Аш-Шоший имом, ҳофиз, жаҳонгашта адиб бўлган”, Ибн ал-Имод: “У Мовароуннаҳрнинг йирик муҳаддиси бўлиб, у келтирган ҳадислар ишончлидир”. Мана шу қисқа-қисқа таърифлардан ҳам кўриниб турибдики, у ўз даврининг етук муҳаддиси ва адиби сифатида шуҳрат қозонган.

Олим қолдирган ёзма мерос ҳақида маълумотлар келтирган муаллифлар унинг фақат пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларига бағишланган “ал-Муснад” (баъзи манбаларда бу асар “Ал-Муснад ал-кабийр” деб келтирилган) номли асарини зикр этиб, бошқа асарлари ҳақида ҳеч нарса ёзмаганлар. Ҳар ҳолда баъзи манбаларда унинг адиб деб таърифланишидан у адабиётга оид асарлар ҳам яратган бўлиши керак. Келажакда унинг илмий-маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш бу масалага аниқлик киритади деб ўйлаймиз.

Имом аш-Шошийнинг биз авлодларга қолдирган “ал-Муснад” номли муҳим асари икки катта жилддан иборат йирик битик бўлиб, у тўлиғича ҳадисларга бағишланган. Ҳозирги маълумотларга кўра, бу асарнинг ягона қўлёзма нусхаси яқин вақтгача Суриянинг пойтахти Дамашқ шаҳридаги аз-Зоҳирийййа кутубхонасида (277-рақам остида) сақланган бўлиб, кейинчалик Дамашқдаги нодир қўлёзмалар сақланадиган “Мактабат ал-Асад” номли кутубхонага ўтказилган. 192 варақдан иборат ушбу қўлёзма ҳижрий 558 (мелодий 1163) йилда ал-Ҳофиз Зиёуддин ал-Муқаддасий исмли ҳаттот томонидан насх хатида кўчирилган. Бу қимматли асар 1990 йилда Дубайдаги “Марказ ад-даъват вал иршод”нинг аъзоси, йирик ҳадисшунос олим доктор Маҳфуз ар-Раҳмон Зайнуллоҳ томонидан тадқиқ этилиб, бир неча жилдда Мадинаи Мунавварада нашр ҳам этилган. Ҳар томонлама мукаммал илмий асосга таяниб бажарилган ушбу нашр, шубҳасиз, бундан минг йиллар муқаддам буюк ватандошимиз имом аш-Шоший ҳазратлари томонидан яратилган улкан илмий-маънавий меросни ўрганишда катта аҳамиятга моликдир.

**Убайдулла УВАТОВ,**
**Тошкент Ислом университети Исломшунослик илмий тадқиқот марказининг бош илмий ходими.**

Ҳикмат

*Адл ила олам юзин обод қил,*
*Ҳақ ила олам элин шод қил.*

Китоблар оламида

# Бебаҳо хазина

*Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг 4-жилди нашрдан чиқди*

Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг 4-жилди «Зебуннисо бегим» мақоласи билан бошланиб, «Конигил» мақоласи билан тугайди, яъни «З» ҳарфининг асосий қисми, «И», «Й», шунингдек, «К» ҳарфининг биринчи ярмидаги мақолаларни ўз ичига олади. Унда жами 4100 мақола мавжуд бўлиб, уларни тайёрлашда дастлабки жилдлардаги ғоявий-услубий йўналишга қатъий риоя этилди. Мана шу принцип жилднинг умумий сўзлигини тузишда, танланган мезонга, атамаларга нисбатан ёндошувда ҳам кўзга ташланади. Айни вақтда, нашр этилган жилдлар юзасидан матбуотда билдирилган фикр ва мулоҳазалар, китобхонлардан олинган хатлардаги таклиф ва истаклар эътиборга олинди. Мазкур жилдда ҳам табиатшунослик ва ижтимоий-гуманитар фанлар, миллий ва умумбашарий материаллар нисбати тасдиқланган умумий концепция талаблари даражасида сақлаб қолинди. Ўзбекистон тарихи, адабиёти, санъати, миллий қадриятлари, ислом дини тушунчаларига алоҳида эътибор берилди. Хусусан, тарих фанлари соҳасидан 428 та, маданият ва санъат соҳасидан 375 та, тил ва адабиётдан 200 та, фалсафа, сиёсатшунослик, дин тарихидан 200 дан зиёд мақола чоп этилди. Булар орасида «Иккинчи жаҳон уруши» (М.Жўраев), «Икромов Акмал», (Қ.Ражабов), «Зебуннисо бегим» (Б.Қосимов), «Зулфия» (Н. Каримов), «Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон» (Ш.Бобохонов), «Зиддият», «Имконият ва воқелик» (А.Аюпов) каби мақолалар бор. Ўзбек миллий санъатида катта из қолдирган «Зокировлар» (Т.Ғофирбеков) сулоласи ҳақида алоҳида материал берилган. Уларни тайёрлашда Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институти, Санъатшунослик институти, Тошкент Шарқшунослик институти, Ислом университети олимлари фаол иштирок этишди.



Шунингдек, китобда иқтисодиёт соҳасидан 151 та мақола бор. Уларнинг аксарияти энциклопедия саҳифаларида биринчи бор эълон қилинди. География, геология ва геофизикага доир мақолалар ичида Ўзбекистоннинг шаҳарлари, туманлари номи билан боғлиқ янги маълумотлар ўрин олган. Индонезия, Испания, Италия, Канада каби давлатлар ҳақида ҳам материаллар берилган. Уларда ушбу давлатларнинг Ўзбекистон Республикаси билан иқтисодий-сиёсий, маданий алоқалари ҳақида ҳам тўхтаб ўтилган. Яна биология, тиббиёт, кимё, математика, физика, техника, астрономия, қишлоқ хўжалигига доир ранг-баранг мақолалар ҳам мавжуд.

Китобда биографик мақолаларга алоҳида эътибор қаратилган. Булар орасида энг йириги сифатида «Ибн Сино» (С.Каримова) мақоласини кўрсатиш мумкин. Шу жилддан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов биографияси ҳам ўрин олди. Булардан ташқари мезон бўйича буюк мутафаккирлар, давлат ва жамоат арбоблари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, Ўзбекистон халқ ёзувчилари, Ўзбекистон халқ артистлари, фан ҳамда санъат арбобларига ҳам ўрин берилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур жилдда олдингиларига нисбатан кўпроқ безак материал (1600 рангли, 180 дан зиёд оқ-қора сурат) берилди. Расмлар мазмунига ва сифатига эътибор кучайтирилди. 80 дан зиёд рангли ва оқ-қора харита ҳам жой олди.

Китобдаги мақолаларни тайёрлашда 500 дан зиёд муаллиф иштирок этди. Миллий энциклопедиянинг фаол муаллифлар гуруҳи шаклланди.

**Муроджон АМИНОВ,**
**Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриётининг илмий-методик бўлим бошлиғи.**

Наманган вилоятида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ойлиги мобайнида ҳарбий бўлинмалар, ўқув юртлари, меҳнат жамоалари, маҳалла ва қишлоқларда ҳарбий хизматчиларнинг уруш ва меҳнат фахрийлари, ёшлар билан учрашувлари бўлиб ўтди. Спорт мусобақалари, оммавий маданий тадбирлар ўтказилди.

## Муносиб авлодни тарбиялайлик

— Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳарбий бўлинмаларга бориб, аскар ва офицерларнинг меҳмони бўлди, — дейди вилоят мудофаа қўмитаси бошлиғи Т.Аҳмаджонов. — Ёш аскарларга совғалар топширилди. Вилоят маданият ишлари бошқармаси артистлари концертлар қўйиб берди.

Вилоят автомобиль ҳайдовчилар мактабида курсантларнинг уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашуви бўлди. Тўрақўрғон қишлоқ хўжалиги механизацияси коллежида ҳам шундай учрашув ўтказилди, Янгиқўрғон туманидаги марказий стадионда ватаннинг бўлажак ҳимоячилари ўқ отиш бўйича мусобақалашди. Наманган саноат коллежида эса, спортнинг ҳарбий-амалий ва техник турларидан ўн хили бўйича мусобақа бўлди.

Ойлик давомида маҳалла ва меҳнат жамоаларида ҳарбий хизмат ҳақидаги қонунларни бажариш бўйича тушунтириш ишлари ўтказилди.

**Илҳом РАЗЗОҚОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Мўъжизакор қўллар







*Ёғочдан ясалиб, ғоят нозик дид билан нақш чизилган, ёхуд гул ўйиб безатилган зеби-зийнат қутичалари, шарқ миниатюраси услубидан фойдаланиб чизилган сувратлар... Буларнинг барчасини қўли гул усталар оддий ёғочдан яратаётган мўъжизага менгзаш мумкин.*

*Халқаро “Олтин мерос” жамғармасининг Абулқосим мадрасаси биносига жойлашган Тошкент шаҳар бўлимида халқ ҳунармандчилиги билан шуғулланувчи ўнлаб уста ва устазодалар халқимизнинг мумтоз қадриятлари ҳисобланган ўймакорлик, ганчкорлик билан шуғулланиб келишади. Уларнинг қўлидан сайқал топаётган санъат асарлари юрт бойлигига айланаётир.*



**Суратларда: миниатюрачи усталар Анвар Исроилов ва Расулжон Пўлатовлар ижод устида; асарлардан намуналар акс эттирилган.**

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

Болалар спорти

## Шаҳардагидан қолишмайди

Бешариқ азалдан кураги ер кўрмаган полвонлар, курашчилар юрти. Бу юртнинг алплари бу томони Хўжанду-Конибодом, Ўш-у Ўзганлардаги йиғинларда ҳам совриннинг энг сарасини олиб қайтишган. Яқин-яқинларгача ҳам кураш тўйларнинг асосий кўрки ҳисобланиб, тўй ошининг олди ғолиб полвонларга тортилган.

— Президентимизнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони, — дейди туман ҳокими Саидхон Мамадалиев, ёшларимизнинг юракларини алангалатиб юборди. Туманимиздаги ўндан зиёд қишлоқ фуқаролар йиғинлари ўз-ўзидан болалар спортининг у ёки бу тури бўйича мусобақалар ўтказишга мезбонлик қилиш ташаббуси билан чиқмоқдалар.

Якунланган йилнинг сўнгги икки ойи туманда болалар спорти иншоотларини қайта таъмирлаш даври бўлди, дейиш мумкин. Шу муддат ичида 22 та спорт зали, 54 та футбол, 17 та қўл тўпи майдони, 69 та волейбол ўйингоҳи, 5 та сузиш ҳавзаси, 4 та теннис кортининг аҳволи ўрганиб чиқилди. Қайта таъмирга муҳтожлари ҳафта-ўн кун ичида бемалол нуфузли мусобақалар ўтказишга шай ҳолга келтирилди.

Айниқса, 1, 14, 24 мактаблар, 4 та гимназия тасарруфидаги спорт иншоотларидаги шарт-шароит, имкониятларга шаҳарлик ўқувчилар ҳам ҳавас қилиши мумкин. «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг III гуруҳ босқичлари ҳам айнан шу мактабларда ўтказилди. Бешариқлик икки ўқувчи бокс бўйича Ўзбекистон спорт устаси талабларини бажарганлиги эътиборга лойиқ.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилиши муносабати билан Бешариқ туманида тадбир ўтказилди. Унда Бешариқнинг машҳур спортчилари, полвонлари ўзларининг муносиб ворисларига юксак парвозлар тилашди. Болалар оммавий спортини ривожлантириш соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг бош омили эканлигини қайта-қайта такрорлашди.

Туман марказида бошланган болалар спорти байрами Рапқон, Яккатут, Андархон, Ҳапалак сингари қишлоқларда давом этди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ёш истеъдодлар етишмоқда

**Андижон вилоятида мактаб ўқувчиларининг “Умид ниҳоллари-2003” мусобақаси ниҳоясига етди. Турнирнинг уч босқичи давомида спортнинг 12 турида ўз қобилиятини намоён этган 5-7 синф ўқувчилари аниқланди.**

**Мусобақада 200 нафардан ортиқ бола иштирок этди. Андижон, Хўжаобод, Қўрғонтепа, Жалолқудуқ, Балиқчи туманлари вакиллари муваффақиятли қатнашди. Вилоят марказидаги “Ямбол” спорт мажмуида танлов ғолиблари ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлди.**

Теннис

## Куценко кейинги босқичга чиқди

**Австралиянинг Мельбурн шаҳрида “Катта дубулға” туркумига кирувчи энг нуфузли тўрт теннис турниридан дастлабкиси — Австралия очиқ чемпионати бошланди.**

**Ушбу мусобақада юртимиз спорти шарафини ҳимоя қилаётган Вадим Куценко биринчи босқичда Хорватия вакили Иван Любичекка қарши кортга чиқди. Кураш кескин ва муросасиз бўлди. Дастлабки икки сетда 6:3, 6:4 ҳисобида рақибидан устун келган В.Куценко кейингиларида 1:6, 4:6 ҳисобида енгилди. Бироқ ўз маҳорати ва иродасини намойиш этган ҳамюртимиз ҳал қилувчи бешинчи сетда И.Любичекка ғалаба сари имконият қолдирмади — 6:3.**

**(ЎзА).**

Бу ажиб дунё

## Ғаройибнинг ғаройиби

Дунёда қандай ўйин ва мусобақалар ўтказилмайди, дейсиз? Бу мусобақа деганнинг ҳам тури кўп экан. Санаб саноғига етолмайсан киши. Бунинг устига ғаройиблиги-чи! Масалан, Англиянинг Оли шаҳрида уй бекаларининг қўлида това ушлаганча югуриш мусобақаси анъанага айланган. Унинг шарти қуйидагича: бир қўлида това ушлаган бека югуриб кетаётиб иккинчи қўли билан товага пирог ташлайди. Агар кимки шуни тушириб юборса, ўша заҳоти ўйиндан чиқади. Ёки француз қандолатчиларини олиб кўрайлик. Улар ҳам ўзига хос мусобақа ўтказиб туришади, яъни қўлларидаги патнисда торт кўтарганча маълум масофага югуриш. Ғолиб маррага биринчи бўлиб етиб келишдан ташқари, кондитер маҳсулотининг шаклини ҳам бузмаган бўлиши керак.

Швейцариянинг Альпида эса тўрт одамнинг калласига тенг келадиган тошларни узоққа улоқтириш беллашуви мавжуд. Ҳозирча рекорд кўрсаткич 3 метрлик масофа бўлиб қолмоқда. 4 метрлигини ҳали ҳеч ким ишғол қилолганича йўқ.

Ғарбий Олмонияда бундан ҳам ғаройиб анъанавий ўйин бор. Ўйин хонтахта остида ўтказилади. Унинг шарти қуйидагича, хонтахта остидаги майдон иккига бўлинади, икки рақиб икки томонда ётиб олганча, жимжилоқ бармоқлари билан бир-бирини тортишади. Кимки рақибининг қўлини чизиқдан тортиб ўтса, ўша ғолиб.

Вьетнамнинг соҳилга яқин ерида яшовчи аҳоли орасида узунлиги 2 метрга яқин ёғочоёқда футбол ё волейбол ўйнаш анъанага айланган. Ёғочоёқда юришни ўрганиш уларга, айниқса, балиқчиларга қўл келади. Чунки саёзликларда балиқ тутишда сув кечиб эмас, ёғочоёқда тўр тортган маъқул.

Албатта, бу мусобақалар спорт федерациялари томонидан расмий ўтказилмайди. Аммо уларнинг оммавийлиги расмий спорт турларидан ҳеч қолишмайди.

Футбол

## «Пахтакор»: САФАРДАН САФАРГА

Янги мавсумга ҳозирлик кўраётган пойтахтимизнинг «Пахтакор» жамоаси 2 январь куни тайёргарлик машқларини ўтказиш учун Бирлашган Араб Амирликларига жўнаб кетган эди. У ерда чемпион жамоамиз машғулот ўташ билан бирга 3 та ўртоқлик учрашуви ҳам уюштирди. «Пахтакор» дастлабки ўйинни МДҲ чемпионлари кубогида бир гуруҳдан ўрин олган Донецкнинг «Шахтёр» клубига қарши ўтказди. Пойтахтликлар Украина кончиларидан 2:3 ҳисобида мағлубиятга учраган бўлсалар-да, рақибларига муносиб қаршилик кўрсатишди. Ўша баҳсда Европа грандлари билан тенглашаётган «Шахтёр» ўзининг асосий таркиби билан майдонга тушган бўлса, пахтакорчилар бош мураббийи Виктор Жалилов аксинча таркибни етакчи ўйинчиларсиз баҳсга чорлади. У шу тариқа жамоага жалб қилинган янги ўйинчиларни синовдан ўтказди.

Иккинчи учрашувда «Пахтакор» ўзимизнинг жамоага ютқазди: Дубайдаги йиғинда иштирок этаётган ёшлар терма жамоамиз чемпион жамоа устидан 2:1 ҳисобида ғалабага эришди. Ниҳоят учинчи учрашувда зафар ёр бўлди. Улар БААнинг миллий чемпионатида қатнашувчи жамоасини 7:2 ҳисобда мағлубиятга учратишди.

12 январь куни Тошкентга қайтиб келган пахтакорчилар орадан уч кун ўтказишиб Москвага жўнаб кетдилар. У ерда ташкил этиладиган МДҲ чемпионлари кубогида пойтахт жамоаси гуруҳ ўйинларида «Шахтёр» (Донецк), ФБК Каунас (Литва) ва Озарбайжон ёшлар терма жамоаси билан баҳс олиб боради.

**Дилмурод ПАРПИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*«Е. Д. Агропродукт» қўшма корхонасининг таъсис ҳужжатлари, штампи ва думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.*

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

**Сиз хизматда, сафарда, меҳмонда, дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳларида, кино ва театрда, кундалик ташвишлар билан бозор ва транспортларда юрган пайтингизда хонадонингиз ва мулкингизни жиноий тажовузлардан ким ҳимоя қилади?**

*Хонадонингиз ва мулкингиз дахлсизлигини истайсизми? Марҳамат қилиб, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси ва туман қўриқлаш бўлимларига мурожаат қилинг!*



Тел.: 133-37-83, 34-01-69, 133-01-44.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки жамоаси Инвестициялар бошқармаси бошлиғи Аюпхон Рихсиевга падари бузруквори

**Ғиёс ота РИХСИЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси жамоаси кутубхона бош мутахассиси Муҳайё Толибжоновага падари бузруквори

**Раҳматилла ота ТОЛИБЖОНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Халқ сўзи»
«Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89;
Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 71,
33553 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ.
Навбатчи — М. ХОЛМАТОВА.
Мусаҳҳиҳ — М. СУЛАЙМОНОВА.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 20.20
1 2 3 4 5 6